

**МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ  
«МИСИС» НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАХРИДАГИ ФИЛИАЛИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.22/30.12.2019. Т.98.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЙИДҚОСИМОВ САЙИДЖАББОР САЙИДҚОСИМ ЎҒЛИ**

**ПОЛИМЕТАЛЛИ КОНЛАРНИ ЕР ОСТИ УСУЛИДА ҚАЗИБ  
ОЛИШДАГИ ТОҒ ЖИНСЛАРИ МАССИВИДА СОДИР БЎЛАДИГАН  
ГЕОМЕХАНИК ЖАРАЁНЛАРНИ МАРКШЕЙДЕРЛИК  
МОНИТОРИНГИНИ КОН-ГЕОМЕТРИК АСОСЛАРИ**

**04.00.09 – Маркшейдерия;  
04.00.17 – Кончиликда физик жараёнлар (техника фанлари)**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral dissertation**

<b>Сайидқосимов Сайиджаббор Сайидқосим ўғли</b> Полиметалли конларни ер ости усулида қазиб олишдаги тоғ жинслари массивида содир бўладиган геомеханик жараёнларни маркшейдерлик мониторингини кон-геометрик асослари.....	3
<b>Сайидқосимов Сайиджаббор Сайидқосим ўғли</b> Горно-геометрические основы маркшейдерского мониторинга геомеханических процессов, происходящих в массиве горных пород при подземной разработке полиметаллических месторождений .....	30
<b>Sayyidkosimov Sayyidjabbor</b> Mining and geometric basis of markshading monitoring of geomechanical processes occurring in the mass of rocks during underground polymetallic development.....	58
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> <b>Список опубликованных работ</b> <b>List of published works</b> .....	62

**МИЛЛИЙ ТЕХНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УНИВЕРСИТЕТИ  
«МИСИС» НИНГ ОЛМАЛИҚ ШАХРИДАГИ ФИЛИАЛИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.22/30.12.2019. Т.98.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА  
ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЙИДҚОСИМОВ САЙИДЖАББОР САЙИДҚОСИМ ЎҒЛИ**

**ПОЛИМЕТАЛЛИ КОНЛАРНИ ЕР ОСТИ УСУЛИДА ҚАЗИБ  
ОЛИШДАГИ ТОҒ ЖИНСЛАРИ МАССИВИДА СОДИР БЎЛАДИГАН  
ГЕОМЕХАНИК ЖАРАЁНЛАРНИ МАРКШЕЙДЕРЛИК  
МОНИТОРИНГИНИ КОН-ГЕОМЕТРИК АСОСЛАРИ**

**04.00.09 – Маркшейдерия;  
04.00.17-Кончиликда физик жараёнлар (техника фанлари)**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.3 DSc/Т368. рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.misis.uz](http://www.misis.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Раимжанов Баҳадиржан**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нурпеисова Маржан Байсановна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Гусев Владимир Николаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Тальгамер Борис Леонидович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Навоий давлат қончилик институти**

Докторлик диссертация ҳимояси Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали ҳузуридаги DSc.22/30.12.2019.Т.98.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «13» январда 13<sup>00</sup> соат 304 - даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 110101, Олмалиқ шаҳри, Амир Темура кўчаси, 56-уй. Тел.: (70) 614-22-57; e-mail: [afnitumis@mail.ru](mailto:afnitumis@mail.ru).

Диссертация билан Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (20-02-Д-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 110101, Олмалиқ шаҳри, Амир Темура кўчаси, 56-уй. Тел.: (70) 614-22-57.

Диссертация автореферати 2020 йил «29» декабр куни тарқатилди.  
(2020 йил «29» декабрдаги 2 рақамли реестр баённомаси)



**Ф.Я. Умаров**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д, доцент

**Г.С. Нутфуллаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

**Ш.Ш. Заиров**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий  
семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда кончилик соҳасининг замонавий тараққиёти, геомеханик ва геодинамик таваккалчилик шароитида, катта чуқурликларда (1000-4000 м) жойлашган мураккаб тузилмалар фойдали қазилма конларини (ФҚК) қазиб олиш билан бевосита боғлиқ. Айнан ФҚКни ер ости усулида катта чуқурликда (1000-1500 м) қазиб олиш жараёнида полиметалли конлардаги тоғ жинслари массивида содир бўладиган геомеханик жараёнларни замон ва макон ўлчамида априор прогнозлаш орқали саноат хавфсизлиги таваккалчилиги ишончли баҳолашни назарий асослаш кончилик ишларини беҳатар олиб боришга имкон беради. Полиметалли конларни ер ости усулида қазиб олишдаги тоғ жинслари массивида содир бўладиган геомеханик жараёнларни ўрганиш 100 йилдан ортиқ тарихга эга бўлишига қарамасдан жараёнга тегишли кўпгина муҳим масалалар ўз ечимини топмаганлиги қазиб олинмаган кон массивидаги мавжуд кучланиш – деформацияланиш ҳолатининг (КДХ) мураккаб тавсифга эга эканлигига боғлиқ бўлиб, унинг шаклланишида ҳисобга олиниши мураккаб бўлган табиий ва техноген омиллар таъсири сабаб бўлади. Жойлашган мураккаб геологик тузилмалар конлар саноат миқёсида фойдаланишга жалб қилинаётган ҳозирги шароитда ер ости бойликларидан оқилона ва беҳатар фойдаланиш муаммоси охиригача ечилмаган ва уни ҳозирда ечиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёдаги рудниклардаги кончилик ишлари кон массивидаги геомеханик ва геодинамик жараёнлар етарлича ўрганилмаган ҳолда олиб борилмоқда. Жумладан тоғ – жинслари массивидаги геомеханик жараёнларни турли кўринишда пайдо бўлиши туфайли конларни ўзлаштиришнинг техник иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир этувчи омилларни ҳисобга оладиган комплекс баҳолаш усули ишлаб чиқилмаган, шунинг учун ҳам, сейсмофаол зоналарда кончилик ишларини олиб боришнинг геомеханик шароити мураккаб ва серқирралигини инобатга олган ҳолда, тоғ жинслари массивининг кучланиш – деформацияланишини комплекс баҳолаш ва фойдали қазилма участкаларининг геомеханик таъсирга мойиллигини прогнозлаш қилиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришни тақозо этмоқда.

Республикамизда янги конларни ўзлаштириш бўйича бир қатор илмий – тадқиқот ишлари амалга оширилган, улар фойдали қазилмаларни қазиб олишни кўпайтириш ва ишлаб чиқиш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида «кончилик ва металлургия саноатини янги босқичга олиб чиқиш учун ишлаб чиқаришнинг локализация сиёсатини давом эттириш...»<sup>1</sup> муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш, фойдали қазилма конларини оқилона ва беҳатар

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4124 «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарори

Ўзлаштириш усуллари ривожлантириш вазифаларини бажариш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли «2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини устувор ривожлантириш тўғрисидаги қарори, 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сонли «2015-2019 йилларда ишлаб чиқариш тузилмасини қайта ташкиллаштириш, модернизация ва диверсификациялашни таъминлашнинг дастурий чора - тадбирлари тўғрисида» ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасининг келажакда ривожланган истиқболли стратегияси тўғрисида» фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижда бажарилган илмий тадқиқотларнинг шархи<sup>2</sup>.** Геомеханик жараёнларни прогнозлаш усуллари ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим, жумладан: University of Nevada; University of Utah (АҚШ); Seoul Nation University of Science and technology (Жанубий Корея); Australian Institute of Mine Surveyors (AIMS) (Австралия); Xinjiang Institute of Engineering (Хитой халқ Республикаси); University Antverpena (Руца, Белгия); Москва миллий технологик тадқиқотлар университети (МИСиС); Қозоғистон миллий техника университети; Санкт-Петербург кончилик университети; Урал давлат кончилик университети; Жанубий-Россия давлат политехника университетида олиб борилмоқда.

Фойдали қазилма конларини ер ости усулида қазиб олишнинг самарадорлигини ошириш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, шу жумладан: полиметалл конлари жойлашган регионлар геодинамик районлаштирилган (University of Nevada, Seoul Nation University of Science and technology, Санкт-Петербург кончилик университети); тоғ жинсларининг дарзликлари ва массивни хилма-хил структуравий тузилмасини кон-геометрик асосланган (Australian Institute of Mine Surveyors (AIMS), Қозоғистон миллий техника университети); кончилик ишларини маркшейдерлик таъминоти такомиллаштирилган (Xinjiang Institute of Engineering, Москва миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС» ва ДУК «O'zGEORANGMETLITI»).

Жаҳонда фойдали қазилма конларини ер ости усулида қазиб олишнинг самарадорлигини ошириш ва хавфсизликни таъминлашга оид қуйидаги

---

<sup>2</sup> Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи <http://www.elibrary.ru>, <http://www.scopus.com>, <http://www.orsid.org>, <http://www.scival.com>, <http://www.scholar.google.com>, <http://www.researchgate.net> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

устувор йўналишлар бўйича қатор тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда, жумладан: тоғ жинслари ва руда массивидаги дарзликларни сон ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш; фойдали қазилма конларидан оқилона фойдаланиш ва кончилик ишларини бехатар олиб бориш; тоғ жинслари массивида содир бўладиган геомеханик жараёнларни прогнозлаш; кон массиви кўрсаткичларини геометризациялаш; кончилик ишларини лойиҳалаш ва самарали олиб боришни имконияти аниқлаш; геомеханик ҳодисалар ва жараёнлар билан боғлиқ бўлган хавфли ҳалокатларни олдини олиш тадбирларини ўзлаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кончилик геомеханикасининг ривожига Агошков М.И., Айтматов И.Т., Баклашов И.В., Картозия Б.А., Барон Л.И., Батугин С.А., Батугина И.М., Борщ-Компониец В.И., Гзовский М.А., Ержанов Ж.С., Иофис М.А., Кузнецов Г.А., Курления М.В., Ломтадзе В.Д., Марков Г.А., Машанов А.Ж., Мюллер Л., Мустафин М.Г., Петухов И.И., Протосеня А.Г., Рассказов И.Ю., Рахимов В.Р., Рац М.В., Ржевский В.В., Тальгамер Б.Л., Турчанинов И.А., Шабаров А.П., Шейнин В.И.; Маркшейдерлик иши ва кон геометрияси фанига Букринский В.А., Соболевский П.К., Вилесов Г.И., Гордеев В.А., Ивахненко А.Г., Калининченко В.М., Ушаков И.А., Такранов Р.А., Протопопов И.И., Гусев В.Н., Нурпеисова М.Б., Низаметдинов Ф.К., Рыжов П.А., Atkinson A.C., Elving G, Holk E., Tajdus A., Zeffe A.N., Poisel R, Roth W. ва бошқа олимлар томонидан кўплаб мувафакқиятларга эришилган.

Ушбу йўналишда кўплаб ўтказилган тадқиқотлар ва эришилган ютуқларга қарамай, ҳозирги кунгача, рудаларни ер ости усулида самарали қазиб олиш учун тоғ жинслари массивида содир бўладиган геомеханик жараёнларни прогнозлаш усулларини янада такомиллаштириш лозим.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети илмий - тадқиқот ражасининг ИТД-5-010 «Олтин рудали конларни қазиб оладиган рудникларда техноген катастрофа (кон зарбаси) ўчоғини шаклланиш табиий қонуниятларини тадқиқ қилиш». Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва Навоий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси илмий тадқиқот ишлари режасига биноан «Зармитан» рудникида (кон зарбаси) техноген катастрофа ўчоғининг табиати ва шаклланиш қонуниятларини тадқиқ қилиш» 49/11-сонли илмий тадқиқот иши (2016-2018 йй.); Компютер моделлаштириш ва инструментал усулларни кўллаб Чармитан конида тағ томондан қазилаётган массивнинг кучланиш деформацияланиши ҳолати ва силжиш жараёнини тадқиқ қилиш» 37/11-сонли илмий тадқиқот иши (2016-2018 йй.); Олмалик кон-металлургия комбинати Акциядорлик жамияти билан «Қизилолма» конида кон зарбаси ўчоғини шаклланиши қонуниятлари ва табиатини тадқиқ қилиш» 6/10-02-3128-сонли илмий тадқиқот иши (2016-2018 йиллар); Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг илмий тадқиқот ишлари режаси асосида (2015-2020 йй.) «Фойдали қазилма конларни оқилона, комплекс ва бехатар

қазиб олишни маркшейдерлик таъминотининг илмий асослари» мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** хилма - хил кон-техник шароитларда тоғ жинслари массивининг ҳолати ва хоссаларини кўп факторли геометризациялаш негизида геомеханик жараёнларни маркшейдерлик мониторингини назарий асослаш ва амалий жорий этиш йўли билан полиметалл конларни ер ости усулида қазиб олишни самарадорлиги ва хавфсизлигини ошириш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

руда майдонлари ҳудудининг блокли-структуравий тузилишини баҳолаш ва Ўзбекистондаги полиметалл конлари жойлашган регионларни геодинамик районлаштириш бўйича тадқиқотларни давом эттириш;

тоғ жинсларининг дарзликлари ва массивни хилма - хил структуравий тузилмасини кон-геометрик таҳлил қилиш;

тоғ жинслари массивининг кучланиш-деформацияланиш ҳолатини тадқиқ қилиш;

тоғ жинслари массивида содир бўладиган геомеханик жараёнларнинг кўрсаткичларини кўп факторли геометризациялаш усулларини ишлаб чиқиш;

«тоғ жинслари массиви» тизимини ташкил этувчи жараёнларни кон-геометрик ва математик моделлаштиришни муайян алгоритмини ишлаб чиқиш;

полиметалл конларни ер ости усулида қазиб олишдаги тоғ жинслари массивида содир бўладиган геомеханик жараёнларни прогнозлаш усулларини кончилик саноати корхоналарида синовдан ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти** - полиметалл конларни ер ости усулида қазиб олишдаги тоғ жинслари массивида содир бўладиган геомеханик жараёнларни прогнозлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** - полиметалл конларни ер соти усулида қазиб олишда тоғ жинслари массивида содир бўладиган геомеханик жараёнлар прогнозлаш усуллари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари** - комплекс усуллар бўлиб, у геомеханик жараёнларни маркшейдерлик мониторингидан фойдаланишга оид илмий-назарий ва амалий умумлаштиришлар, амалдаги рудниклар шароитида жойлардаги бажарилган ўлчашлар, кон-геометрик таҳлил усуллари, математик статистика, кўпфакторли геометризациялаш, чекли унсурлар (ЧУУ), энг кичик квадратлар (ЭККУ) ва аргументларни гуруҳли ҳисобини юритиш усуллари (АГҲУ) қўлланган математик моделлаштириш, ишлаб чиқаришдаги синов-тажрибалар ҳамда техник-иқтисодий ҳисобларни ўз ичига оловчи тадқиқотларнинг умумлашган усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

полиметалл конларнинг рудали майдонлари ҳар томонлама сиқилиш натижасида шаклланган бўлиб, хилма-хил даражали (II-IV) блокли тузилмалардан иборат ва 300<sup>0</sup> ШҒ ва 120<sup>0</sup> ЖШ йўналишларда тектоник кучлар таъсирида, 10 МПа дан 30 МПа гача бўлган максимал горизонтал кучланишга эга эканлиги асосланган;



полиметалли конларнинг рудали ва тоғ жинсли массивларида урта интенсив тектоник дарзликлар тизими мавжуд бўлиб, улар кон массиви тузилмасида хилма хилликни аввалдан ташкил этиши ва тоғ жинслари хоссаларининг анизотропиясини белгилаб бериши асосланган;

полиметалл конлар тоғ жинсларининг мустаҳкамлик ва деформацион хоссалари ўзгарувчан тавсифга эга бўлиб, уларда ястаниш йўналиши бўйлаб мўртлик кўпроқ учраши ва сиқилиш таъсиридан кўра узилиб қулаши осон кечиши исботланган;

ер каъридаги фойдали қазилма кони шакли, ҳолати ва хоссаларининг фазовий жойлашув қонуниятини тасвирлаш йўли билан тоғ жинслари массивида содир бўладиган геомеханик жараёнларни геометризациялаш ва кон тўғрисидаги ишончли информация негизида кончилик корхоналарининг фаолиятини рақамлаштириш мумкинлиги аниқланган;

тоғ жинслари массиви геомеханик кўрсаткичларининг маълумотлар базасини яратиш ва уларни бошқаришнинг принципиал янги тизими ишлаб чиқилган бўлиб, у ўлчаш натижалари, кузатишлар, аналитик ҳисоблар, умумлаштирилган математик ишлаб чиқиш, рақамлаштириш, тасвирлаш ва фойдаланиш жараёнларини геоинформацион тизимлар (ГАТ) принципида автоматлаштириш орқали йиғиш ва баҳолашни жадаллаштириш ишлаб чиқилган;

истикболда «ақлли» кончилик корхоналарини яратишга хизмат қиладиган инструмент сифатидаги маркшейдерлик мониторинги усул ва моделларини ривожига хизмат қиладиган полиметалл конларини ер ости усулида қазиб олишдаги тоғ жинслари массивида содир бўладиган геомеханик жараёнларни тизимли динамик моделлаштириш негизида тайёрлаш, қазиб олиш лаҳимлари ва кондаги камераларда қолдирилган рудали целикларни қазиб чиқаришдаги тоғ жинслари устуворлигини прогнозлашнинг автоматлаштирилган янги механизми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

полиметалл конларидаги массивларда табиий кучланиш майдонларининг шаклланиш қонуниятларига таъсир кўрсатувчи омиллар ва контраст геолого-тектоник структураларни интеграл баҳолаш учун тектоник блокларни ажратишнинг картографо-топографик усули унификациялаштирилиб, фойдали қазилмаларни III ранг (даража) даги блокларда, тоғ жинслари массивини эса IV ранг (даража) даги блокларда жойлашуви аниқланган;

тоғ жинсларини макро - ва микроструктурали моделларининг генетик ва геометрик алоқадорлигини ҳисобга олган ҳолда тоғ жинслари ва руда массивидаги дарзликларни сон ва сифат кўрсаткичлари аниқланган бўлиб, дарзликлар, тектоник узилмалар ва блокли структуралар сезиларли даражада такрорланмас деформацияланиш шароитида тоғ жинслари массивининг мавжудлик аломатлари ва вайроналик структураси эса унинг ҳолат ифодаси аниқланган;

тоғ жинслари массиви устуворлиги ва кучланиш-деформацияланиш ўлчамларини ҳисоблашда қўлланиладиган тоғ жинсларини мустаҳкамлик ва

деформацион кўрсаткичларининг ишончли ўрта қийматлари, ваколатли интерваллари, тақсимот қонунлари ва корреляцион моделлари аниқланган;

«Тоғ жинслари массиви»нинг информაციон-қидирув тизими ва реляцион маълумотлар базаси тузилиб, тоғ жинслари массиви устуворлигини прогнозлаш моделлари учун геомеханик жараёнлар тўғрисида ишончли информацияни олиш алгоритми ишлаб чиқилган;

мураккаб реал динамик объект бўлмиш геомеханик жараёнлар ва «Тоғ жинслари массиви» тизимини ифодалашда аниқлиги бўйича берилган маълумотларга мос бўлган моделлар турларини мунтазам идентификациялаш усули ишлаб чиқилган;

эҳтимолий-статистик усулда кон лаҳимларидаги тоғ жинсларининг қулаш жадаллигини баҳоловчи геомеханик кўрсаткичларни аналитик корреляцион функцияси аниқланиб, унинг негизда тоғ жинслари массивини геомеханик кўрсаткичларини кўп факторли геометризациялаш ва аргументларни гуруҳли ҳисобини юритиш усулидан фойдаланган ҳолда кон лаҳимлари устуворлигини прогнозлаш методикаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** саноат миқёсидаги ўтказилган тажрибаларнинг ҳажми, полиметалл конларни ер ости усулида қазиб олишдаги кон массивида содир бўладиган геомеханик жараёнларни замон ва макон ўлчамида ишончли баҳолаш ва прогнозлашни илмий-методик асосини яратиш ғоясини тажриба натижаларига сон жиҳатидан қониқарли мос келиши ҳамда ер ости бойликларидан оқилона ва бехатар фойдаланишдаги ижобий кўрсаткичларга эришиш натижалари орқали исботланди.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотлар натижасининг илмий аҳамияти кон массивининг ҳолати ва хоссалари, уларнинг замон ва макон ўлчамдаги ўзгаручанлик ва ўрганилганлиги кўп факторли геометризациялаш воситасида тоғ жинслари массивида содир бўладиган геомеханик жараёнларни маркшейдерлик мониторингини назарий ва амалий қўллаш методологиясини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижасининг амалий аҳамияти геомеханик ҳодисалар ва жараёнлар билан боғлиқ бўлган хавфли ҳалокатларни олдини олиш тадбирларини ўзлаштириш ва уларни ўз вақтида диагностика қилиш мақсадида белгиланган дастур бўйича амалга ошириладиган «Тоғ жинслари массиви» тизимидаги геомеханик жараёнларни пайдо бўлиш омилларини назорат қилиш ва доимий кузатиб бориш тизими бўлмиш маркшейдерлик мониторинги принциплари ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Полиметалли конларни ер ости усулида қазиб олишдаги тоғ жинслари массивида содир бўладиган геомеханик жараёнларни маркшейдерлик мониторингининг кон-геометрик асослари негизда олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган методик кўрсатмалар, меъёрий ҳужжатлар ва тавсиялар «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Зармитан олтин рудали конлар зонасидаги қатор рудникларда кончилик ишларини бехатар олиб боришни

жорий ва истиқболли режалаштириш, полиметалл конларни ўзлаштириш, кончилик корхоналарини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилишда жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 13 октябрдаги 02-05-05/10732-сон маълумотномаси). Натижада, кончилик ишларини лойиҳалашнинг инфор­мацион таъминоти яхшиланди ва лойиҳавий ечимларнинг таъминлаш имконини берган;

олтин рудали конлар зонасидаги ер ости рудникларида кончилик ишларини самарали режалаштириш ва бехатар олиб бориш ҳамда уларни маркшейдрлик таъминлаш усуллари «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК Зармитан конида амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 13 октябрдаги 02-05-05/10732-сон маълумотномаси). Натижада, кончилик ишларини режалаштириш шароитлари яхшиланди ва уларни бехатар олиб бориш таъминланди, маркшейдерлик хизмати такомиллаштириш имконини берган;

геоахборот тизимларни қўллаш бўйича тизимли ёндашишга оид илмий-амалий таклиф ва тавсиялар «Маркшейдерияда геоинформацион тизимлар» номли дарслиги (6.10.2020 й., 522-222-сон гувоҳномаси), маркшейдерлик планлар ва маркшейдерлик тасвирга олиш ишлари ҳақида тушунчаларга эга бўлиш, уларда ишлатиладиган асбоблар тўғрисида умумий маълумотлар «Кон геометрияси» ўқув қўлланмаси (6.10.2020 й., 522-222-сон гувоҳномаси) мазмунида сингдирилган. Натижада кончилик соҳасида маркшейдерлик ишида геоахборот тизимларни қўллай оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш имкониятини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг натижалари 12 та республика ва 18 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 49 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан 4 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та, жумладан Республика нашрларида 7 та ва хорижий журналларда 4 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етти­та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 218 бет ва иловалар 117 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар белгиланган, объект ва предмет тавсифланган, республика фани ва технологияси устувор йўналишларига тадқиқотнинг мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, қўлга киритилган натижаларнинг илмий ва амалий моҳияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётда жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар рўйхати ва диссертациянинг ҳажми ва тузилмаси келтирилган.

Диссертацияни биринчи бобида «**Полиметалл конларни ер ости усулида қазиб олишдаги кон геомеханикаси асосий муаммолари замонавий ҳолатининг шарҳи**» доирасида ер ости бойликларидан оқилона ва бехатар фойдаланиш талабларининг ижроси нуқтаи назаридан кончилик ишларини олиб боришда тоғ жинслари массивидаги жараёнлар ва кон лаҳимларининг устиворлигини белгилаб берадиган геомеханик омиллар таҳлил қилинган ва фойдали қазилмаларни ер ости усулида қазиб олишнинг асосий тенденциялари таҳлил қилинган.

Полиметалл рудали конларни қазиб олиш ҳудудлари жадал тектоник ҳаракатли ва замонавий сейсмотектоник жараёнлар мавжуд зоналарда жойлашган.

Тоғ жинслари массивига бир вақтнинг ўзида гравитацион, тектоник ва сейсмик кучланишларни таъсир қилиши, мавжуд рудникларда кон босимини пайдо бўлишининг биринчи хусусиятини ташкил этади.

Кейинги хусусиятига кон лаҳимларининг пландаги йўналишини тоғ жинсларининг қулаши ва отилиб парчаланишига таъсири киради.

Геомеханик параметрларни геометризациялашга боғлиқ масалаларни қатъиян ва бир хил ечиш учун информацияни жамлаш, уларни қайта ишлаш ва интерпретациялашнинг махсус усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ерни қуруқлик қисмини 0,3% эгалласада, рудали конларнинг кўпгина турлари бўйича етарлича минерал хом ашё ресурсига эга. Мамлакатимиз ҳудудида 1720 дан ортиқ фойдали қазилма конлари аниқланган бўлиб, улардан 136 таси полиметалл конлар.

Ўзбекистон Республикаси саноатини 2035 йилгача ривожлантириш Концепциясининг асосий йўналишлари<sup>3</sup> соҳа маҳсулоти билан ички ва ташқи бозор талабларини тўлиқ қондириш мақсадида мавжуд конлар билан бир қаторда янги минерал хом ашё манбаларини ишга туширишни назарда тутган.

Жумладан, Учқулоч полиметалл кони негизида тузиладиган кластер рух, висмут, кўрғошин каби металларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйса, Қўйтош шеелит кони негизида яратиладиган кластер волфрам концентрати, аммоний параволфраммати, мис-молибденли шлам ҳамда молибден, ванадий, уран ва никелли махсус қотишмаларни тайёрлайди.

Кон металлургия соҳаси бўйича маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми ва номенклатурасини 2,5 баробарга кўпайтириш режалаштирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Полиметалл конларни қазиб оладиган ҳудудларда табиий кучланиш майдонларини геодинамик районлаштириш**» да кон массивидаги блокли структураларни баҳолаш ва геодинамик районлаштириш усулларини такомиллаштириш масалалари кўрилган. Кон босимининг динамик ҳолатда пайдо бўлиши бу икки хил - тектонофизик ва технологик жараённинг ўзаро таъсири натижаси эканлиги аниқланган, яъни, конларни қазиб олишдаги муҳандислик ишлари туфайли содир бўладиган технологик жараён. Шу сабабдан кончилик корхоналарини

---

<sup>3</sup> <https://uzbekiston2035.uz/wp-content/uploads/2019/05>.

ишлатиш даврида тоғ жинслари массивидаги табиий кучланиш майдонларини ўрганишнинг методологик муаммоси пайдо бўлади.

Ғарбий Ўзбекистоннинг ўтиш худудлари учун 1:2000000 масштабда биринчи даражали (рангли) блокли структуралар харитаси тузилган ва худди шу худуд учун 1:1000000 масштабда иккинчи даражали (рангдаги) блокли структуралар харитаси яратилган.

Руда конлари худудида учинчи даражали (рангли) блоклар харитаси 1:1000000 масштаби топографик харита бўйича тузилган. Бунда надвиг тавсифли кенглик бўйича ястанган тектоник узилмалар борлиги аниқланган. Ушбу тектоник узилмаларнинг ичида тўртинчи даражали (рангдаги) тектоник узилмалар 1:25000 масштаби топографик харита бўйича аниқланган.

Диссертацияда полиметалл конларни ўзлаштиришдаги геодинамик мониторинг алгоритми таклиф қилинган.

Геодинамик мониторинг натижаси бўйича технотабиат тизимининг ҳолати ўз вақтида асосланиб кончилик корхонасидаги хавфли геодинамик воқеаларни бартараф этиш юзасидан ечимлар қабул қилинади.

Геодинамик мониторинг муҳит унсурларини даврий кузатиш тизими сифатида тоғ жинслари массивининг кучланиш деформацияланиш ҳолатини баҳолаш учун ягона информация манбаи ҳисобланади. Тоғ жинсларининг деформацияланиши эгилувчан, қайишқоқ ва пластик шакллар содир бўлиб тоғ жинсларининг емирилишига олиб келади.

Қазиш ишлари таъсир зонасидан ташқарида бўлган кон лаҳими ҳолатига геомеханик жараёнлар синфининг қуйидаги таъсири аниқланган: агарда тоғ жинсларидаги эластик-қайишқоқлик деформациялари ва кон лаҳими контуридаги силжиш кўрсаткичлари мос равишда 50 мм гача, 50 дан-200мм. гача ва 200 мм дан ошган бўлса улар устувор, ўртача устувор ва ноустувор бўлади.

Диссертациянинг **«Тоғ жинслари массиви зоналари ва структурасидаги хилма-хилликнинг тадқиқи»** деб номланган учинчи бобида тоғ жинслари массивидаги структуравий хилма-хиллик, дарзликлар ва тоғ жинслари хоссаларининг антизотропияси ҳамда кон массивидаги тоғ жинсларининг ўртача блокланганлигини моделлаштиришга бағишланган.

Тоғ жинси массиви механик номувозанат ҳолатда бўлиб, узлуксиз механик энергияни қабул қилади ва диссипирлайди. Тоғ жинслари массиви структуравий унсурлари орасидаги энергия алмашуви унинг ҳолатини белгилаб беради, айниқса уни блокларга бўлинаши мавжуд бўлганда. Геомеханика объектининг бош специфик хусусияти ҳам шунда.

Тоғ жинслари массиви ҳар хил миқёсдаги қулашларнинг оқибатини ўзида сақлайди. Дарзликлар, тектоник узулмалар ва блокли тузилмалар нафақат қулашлар оқибати, балки улкан такрорланмас деформациялар шароитида тоғ жинси массивининг ҳақиқий борлиги бўлиб, қулаш структураси эса тоғ жинси массиви ҳолатининг кўзгусидир.

Структуравий хилма-хиллик туфайли тоғ жинслари хоссалари кўрсаткичларининг узаро ҳар хил даражадаги фарқи «Масштаб эффекти»

дейлади ва у ўлчамлари ҳар хил бўлган тоғ жинслари намуналарини синаш натижаларида яққол кўрсатади.

Тоғ жинсларининг заифлашиш коэффициенти табиий дарзликлар контактидаги ишқаланишинг монолит тоғ жинсидаги ишқаланиш нисбатига тенг бўлиб, муҳим аҳамият касб этади ва дарзликнинг тоғ жинслари мустаҳкамлик кўрсаткичларига бўлган таъсирини яққол кўрсатади.

Тоғ жинсларининг дарзликлари массивдаги ташқи кучлар, ички кучланиш ва тоғ жинси хоссалари таъсирида бўладиган барча ўзгаришларнинг оқибатини ўзида мужассам этади. Шунинг учун ҳам диссертацион тадқиқотларда дарзликлар кон массивининг хосса ва тузилишини комплекс ўрганишнинг бир қисми сифатида қаралган.

Тоғ жинсларининг дарзликларини ўрганиш диссертацион тадқиқотларда манзилли қўлланилган. Масалан, тоғ жинслари хоссаларини анизотропиясини баҳолашда. Агарда тоғ жинсларининг хоссалари турли йўналишларда турлича ўзгарувчанлигига эга бўлса, демак, улар анизотроп жисмлар бўлади.

Геомеханика нуқтаи назаридан дарзликлар анизотропиясини пайдо бўлиш хусусияти ва даражаси ҳам уларнинг кон массиви учун аҳамиятли эканлигига муҳим мазмун касб этади.

Тоғ жинслари дарзликларини тектоник структуралар ва кичик амплитудали тектоник узилмалар билан фазовий алоқадорлиги аниқланган.

Дарзликлар тизимининг чизиқли кўрсаткичлари ва дарзликларнинг ўзаро оралиғидаги участкаларнинг ўзгача хусусиятлари дарзликлар моделини тўлақонли намоён этиши аниқланди.

Мазкур тадқиқотлар кесимида дарзликлар жадаллиги ва кон массивининг блокланганлиги алоҳида ўрганилган.

Дарзликлар тизимининг йўналиши ва жадаллиги массивдаги тоғ жинслари блокининг ўлчами ва шаклини белгилаб беради.

Якка блоklarнинг фазовий тақсимот геометрияси тоғ жинслари массиви эҳтимолий моделини зарурий асоси ҳисобланади.

Диссертацион тадқиқот натижасида тоғ жинслари дарзликларининг харитаси ва жойлашиш панжараси тузилган. Структурали тектоник план муҳитида жамланган нуқтали диаграммалар ва дарзликнинг ўртача жадаллик изочизиқлари тасвирланган. Мазкур графикавий тасвирлар кон массиви блокланганлигининг чуқурлик бирлигига нисбатан ўзгарувчанлик градиентини аниқлаш имконини яратади ва дарзлик тўғрисидаги маълумотларни лойиҳаланаётган кончилик ишлари горизонтга экстрополяциялаш имконини беради.

Диссертациянинг «**Тоғ жинслари массивидаги кучланиш-деформацияланишни баҳолашнинг методологик жиҳатлари**» деб номланган тўртинчи бобида «аралаш муҳит механикаси» назарияси негизида табиий кучланиш шароитини, кучланиш-деформацияланиш ҳолатини ўрганишнинг экспериментал ва аналитик усуллари ҳамда унинг рудали целикларни қазиб олишдаги ҳолати тадқиқ қилинган.

Тоғ жинслари массивининг табиий кучланиши ҳолати бу геологик ривожланишнинг бутун даврида ер қобиғининг пайдо бўлишдан бошлаб

тоғ жинслари массивида ташқи ва ички омиллар таъсирида шаклланган кучланишлардир (1-чизма).

Табиий кучланиш майдонининг шаклланишига сабабчи бўлган энг муҳим омиллар бу гравитацион, гидростатик ва тектоник зўр ҳаракатлар. Ер сиртидан маълум бир чуқурликда бўлган тектоник кучланишлар қўйидагича ифодаланади.

$$\sigma_x = \psi_2 T; \sigma_y = \psi_1 T; \sigma_z = T, \quad (1)$$

бу ерда  $T$  - тектоник кучланиш вектори;  $\psi_1, \psi_2$  -  $T$  горизонтал йўналтирилгандаги тектоник кучланиш майдонидаги вертикал ва горизонтал кучлар (ёнбош кучлар коэффициенти);  $\psi_1$  ва  $\psi_2$  - муайян жисмларнинг деформацияланганлигининг таҳлилидан аниқланади ва улар реологик моделларда ифодаланади.



**1-чизма. Тоғ жинслари массивидаги кучланишни геологик ва геодинамик шаклланиш шароити**

Деформациянинг унга сабабчи бўлган кучланишига нисбатан кечикиши сабабли ёнбош пайдо бўлган таянч коэффицентининг чуқурлик учун қиймати тенг бўлади:

$$\theta \leq \psi_1; \vartheta \leq \psi_2 \leq 1, \quad (2)$$

бу ерда  $\theta$  - релаксация даври;  $\vartheta$  - қолдиқ деформация кўрсаткичи.

Тоғ жинслари массивидаги ҳаракатдаги кучланиш тензометрик ёки геофизик усулларда ўлчаниши мумкин.

Шелли ҳолсизлантириш учун массивнинг яхлитлиги кончилик ишлари туфайли узилгандан кейинги деформацияни ўлчашга асосланган.

Шелли ҳолсизланиш усулида Зармитан ва Қизилорма рудникларидаги кон массивининг геомеханик ҳолати баҳоланган.

Ўлчанган горизонтал кучланиш мавжуд вертикал кучланишга нисбатан мос

равишда 38 ва 54 фоизга фарқ қилади.

Тоғ жинслари массивининг кучланиш-деформацияланиш ҳолатини тавсифловчи физик жараёнларни моделлаштириш учун диссертацион тадқиқотларда оригинал, истиқболли ва амалий ҳисобланган чекли унсурлар усулидан (ЧУУ) фойдаланилган.

Полиметалл конларни тоғ жинслари массивининг кучланиш ҳолатига тегишли масалалар ечимининг асосий ғояси чекли рақамда аниқланган бўлакли-узлуксиз функция тўпламида кўрилган тоғ жинсларининг ўзгаришини апроксимациялашга асосланган.

ЧУУ дан фойдаланиб ўтказилган тажрибаларнинг таққоси массивдаги тектоник кучланишнинг  $\sigma_i$  бош векторли йўналишини аниқлаш имконини яратади

$$\sigma_t = \frac{2 \sigma_{тк}}{1+v+(1-v) \cos 2\theta}, \quad (3)$$

бу ерда  $\sigma_{тк}$  – квершлагдаги нормал тектоник кучланиш;  $\theta$  – тектоник кучланишларнинг бош векторли йўналиши билан кон лаҳими ўқи орасидаги бурчак

$$\varphi = \arccos \frac{\delta - \cos 2\beta}{\sin 2\beta}, \quad (4)$$

$$\frac{1-v}{1+v} \sqrt{1 - 2\delta \cdot \cos 2\beta + \delta^2} = A, \quad (5)$$

белгиласан,  $\theta$  тенг бўлади

$$\theta = \frac{1}{2} \left( \arcsin \frac{1-\beta}{A} - \varphi \right). \quad (6)$$

бу ерда  $v$  – Пуассон коэффиценти,  $\beta$  – кон лаҳимлари ўқлари орасидаги бурчак.  $\delta = \frac{\sigma_{тш}}{\sigma_{тк}}$  нисбатни ўқ кучланиш коэффиценти деб белгиласак,

$$\delta = \frac{1+v+(1-v) \cos 2(\beta+\theta)}{1+v+(1-v) \cos 2\theta}. \quad (7)$$

Ҳисоб натижалари шуни кўрсатадики, тегилмаган массивдаги аналитик ҳисобланган ва чекли унсурлар усулида топилган ўқ кучланишлар ўрта квадратик хатолик чегарасида ўзаро мос.

Рудани қазиб олиш қолдирилган целикларни қазиб олишда камеранинг эни 6 м, қайишқоқлик модули  $E=4 \cdot 10^4$  МПа бўлган кучланиш-деформацияланиш тадқиқотларида целикнинг бикирлиги бир хил қабул қилинган ҳолда, у қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$C = a^T E, \quad (8)$$

бу ерда:  $a^T$  – целикнинг нисбий дарзликлик коэффиценти.

Асосий шифтдаги унинг қалинлигини 1 погон метрига тенг бўлган тоғ жинсларидан келадиган юклама тенг бўлади:

$$P = \gamma H = 2,7 \cdot 10^4, \text{ МПа} \quad (9)$$

Целикнинг уст томонидаги контактли алоқа реакциясининг баҳолайдиган эластиклик коэффиценти тенг бўлади:

$$E_1 = \beta E = 10^{-2} E, \quad (10)$$

бу ерда:  $\beta$  – балка бўйлаб тоғ жинси қатидаги дарзликнинг очиклик даражасини баҳоловчи коэффицент.

Чўзиқлик кучланиши  $\sigma_1$  пайдо бўлиш доираси целикнинг устуворлигини баҳолашда муҳим роль ўйнайди. У целиклар оралиғининг марказида  $\sigma_p=11$  МПа ва охиридан битта олдинги ораликда  $\sigma_p=5.0$  МПа га тенг бўлади.

Таянчлар контактларидаги сиқувчи кучланиш қуйидагича аниқланади ва тенг бўлади

$$\sigma_0 = a^T E \omega = \frac{4 \cdot 10^5 \omega}{100 H_0} = 4 \cdot 10^2 \frac{\omega}{H_0}, \text{ МПа}, \quad (11)$$

бу ерда:  $H_0$  – таянч нуқтанинг чуқурлиги,  $\omega$  – камера шипининг целиклар оралиғидаги эгилиши кўрсаткичи.

Целиклар гуруҳи қазиб олинганда блокдаги қолган целикларда юк нотекис тақсимланади. Юкнинг 70-80 фоизи камера шипи чегарасидан 15м масофада жойлашган целикларга тушади, қолган қисми эса 20-50м узокликда жойлашган целикларга тарқалади.



Демак, қазииш камераларида қолдирилган целикларни қазиб олиш мумкин ва бехатар эканлиги кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг бешинчи боби «Тоғ жинслари массивининг геомеханик кўрсаткичларини геометризациялаш методикасини назарий асослаш»га бағишланган бўлиб, кончилик ишлари ривожини самарали режалаш ва «аклли» рудникларни лойиҳалаш учун бошланғич маълумотлар ишончилигини оширишга қаратилган тадқиқотлар бажарилган.

Диссертацион тадқиқотларда тоғ жинсларининг механик хоссалари лаборатория ва конларда бевосита Халқаро стандартларга мос равишда ўрганилиб, кон массиви тўғрисидаги маълумотларнинг ишончилигини оширилишига эришилган.

Кондаги махсус дастур асосида ташкил этилган тажриба тоғ жинсларининг хоссаларини массивнинг ўзида аниқлашнинг энг маъқул усули ҳисобланади.

Айтиш керакки, «тескари ҳисоб» йўли билан аниқланган тоғ жинсларининг механик хоссалари функционал кўрсаткичлар бўлиб, геомеханиканинг тескари масаласини ечиш орқали кон лаҳимларида тоғ жинсларининг устуворлигини прогнозлаш масаласини ечиш мумкинлиги кўрсатиб берилган.

Диссертацияда муайян кон шароитида тоғ жинсларининг мустаҳкамлик ва деформацион хоссалари тадқиқ қилинган. Ўлчаш натижаларини математик ишлаб чиқиш орқали тоғ жинсларининг мустаҳкамлиги  $\sigma$ , динамик эластиклик модули  $E_t$  ва эластик тўлқинларни тоғ жинсида тарқалиш тезлиги  $V_p$  орасида статистик боғлиқлик мавжудлиги топилган бўлиб,

$$\sigma = f(V_p) \text{ ва } E_t = f(V_p), \quad (12)$$

улар тоғ жинслари хоссаларини массив шароитида аниқлашда қўлланилган.


Тоғ жинслари массивининг ўзига хос хоссалари ихтиёрий нуқта учун замон ва макон ўлчамидаги функция воситасида ифодаланиши мумкин ва бу функция

$$F = f(x, y, z, t), \quad (13)$$

чексизлик, узлуксизлик, бир қийматлилиқ ва равонлик (ЧУБР) шартларини қониқтиради.

Методик нуқтаи назардан руда конларини ер ости усулида қазиб олиш шароитида экспериментал бурғилаш натижасида тоғ жинсини сиқилишига бўлган мустаҳкамлиги  $\sigma_{сж}$  ни геометризациялаш алоҳида аҳамият касб этади.

$\sigma_{сж}$  нинг ўзгарувчанлик графиги асосида экспериментал бурғиқудуқ ўқ чизиғи ва синовдан ўтган намуналарнинг минерал таркиби бўйича қурилган структуравий модельда уч хил структура ажратилган бўлиб, (2-чизма) кон структуравий заифлашув коэффициентини инобатга олган ҳолда, массив учун  $\sigma_{сж}$  ни ҳисоблаб топишда фойдаланилган.



**2-чизма. а) Тоғ жинслари намунасини сиқишга бўлган чекли мустаҳкамлигини ( $\sigma_{сж}$ ) аниқлаш (экспериментал бурғиқудук) натижалари асосида тузилган структуравий модел. б)  $\sigma_{сж}$  ва тоғ жинси минерал таркиби орасидаги боғлиқлик**

Тоғ жинси мустаҳкамлигининг чекли қийматига структуравий унсурларнинг, шу жумладан, минерал таркибининг жамланган таъсири тенг бўлади

$$K_{стр} = f_1 f_2 f_3, \quad (14)$$

бу ерда  $f_1$  – минерал таркибининг таъсир функцияси:

$$f_1 = \frac{\sigma_{max}}{\sigma_n}, \quad (15)$$

$f_2$  – микроструктуравий унсурларнинг таъсир функцияси:

$$f_2 = P_1 \frac{\bar{\sigma}}{\sigma_{max}} \left( f_1 f_2 = \frac{\bar{\sigma}}{\sigma_m} \right), \quad (16)$$

$f_3$  – макроструктуравий унсурларнинг таъсир функцияси:

$$f_3 = \eta_c P(\delta) f_{ГТ}, \quad (17)$$

бу ерда  $\eta_c$  – тоғ жинси намунасида инобатга олинмаган макродарзликларга тўғри келадиган парчаланиш сиртидаги ишқаланишнинг йиғилган таъсирини камайиш коэффициенти;

$P(\delta)$  – макродарзликлар йўналишининг таъсир коэффициенти;

$f_{ГТ}$  – дарзликлар зичлигининг таъсир функцияси.

$\eta_c$  – коэффициенти кон массивида ўтказилган тажриба натижасида топилади:

$$\eta_c = \frac{K_{стр}}{P_1(\delta) P_2(\delta) f_{ГТ}}. \quad (18)$$

Кўрилган ҳолат учун  $\eta_c = 0,73$  лиги аниқланган.

Демак,

$$K_{стр} = 0,73 P_1(\delta) P_2(\delta) f_{ГТ} \quad (19)$$

қиймати ҳар бир намуна олинган интервал учун аниқланади.

Тоғ жинсининг массивдаги мустаҳкамлиги қуйидагича ифодаланади:

$$\sigma_m = K_{стр} \sigma_{обр}. \quad (20)$$

$K_{стр}$  шунингдек, Н.Г.Кузнецов усули билан ҳам аниқланиши мумкин. Бу усул векторли диаграммалар ва тоғ жинсининг мустаҳкамлик паспортидан фойдаланишга асосланган (3-чизма).


Диссертацион тадқиқотларда ечиладиган кончилик масалаларининг мақсад ва шароитидан келиб чиқиб,  $K_{стр}$  аниқлашнинг ҳар хил усуллари тоғ жинсларининг мустаҳкамлик кўрсаткичларини геометризациялаш масаласини ечиш даражасида кўриб чиқилган.

Таклиф қилинган усул қониқарли натижа берганлиги шахтада ўтказилган тажрибалар натижаси билан тасдиқланган бўлиб, Н.Г.Кузнецов усули математик нуқтаи назардан қатъийроқдир.

Аниқланган  $K_{стр}(x,y,z)$  рақамли модель кон массиви шароитида унинг ўзгарувчанлигининг математик стандарти билан биргаликда  $K_{стр}$  нинг изочизиклар планини тузиш имконини беради.

Изочизиклар кесими  $h_k = 1,5 \sigma_{K_{стр}}$  га тенг қилиб олиниши қониқарли кон геометрияси талабларига жавоб берадиган қониқарли аниқлик эканлиги амалда тасдиқланган.

Тоғ жинслари мустаҳкамлик кўрсаткичини геометризациялаш оқибатида  $K_{стр}$  нинг фазовий жойлашуви тасвирланиб, намунадан аниқланган кўрсаткич қийматидан унинг массивдаги қийматига ўтиш имконияти тегишли руда майдони участкаси учун яратилган.



**3-чизма. Кон массивининг умумлашган мустаҳкамлик паспорти ва векторли диаграммалари ўзаро кесишган битта (а) ва бешта (б) заифлаштирувчи теккисликлар таъсирида**

Диссертацион тадқиқотнинг олтинчи бобида «Тоғ жинслари массивида содир бўладиган геомеханик жараёнларни математик моделлаштириш» тадқиқот объекти «Тоғ жинслари массиви» мураккаб геологик тизим сифатида қаралиб, геометризациялашда ҳар доим бир қатор ҳолат ва хоссалардан абстракциялашишга тўғри келишлиги кўрсатиб ўтилган.

Бундай тизимларнинг асосини қазиладиган кон массивининг объектли ориентирланган моделлаштириш принципида қурилган рақамли моделлар ташкил қилади.

Тизим объекти параметрлари тўғрисидаги информация хос моделларда яширинган. Тоғ жинслари массиви бу ўзгарувчан параметрларга эга бўлган динамик тизимдир.

Фазовий ҳолат  $\Phi$  ва оператор  $T$  динамик тизимнинг математик моделини ташкил этади. Тоғ жинслари массиви ҳолатини математик ифодалаш учун юқорида қайд этилган параметрлар етарли эмас, қўшимча тавсифлар керак бўлади.



бу ерда  $P=f(x,y,z,t)$  – геохимик майдон кўрсаткичи,  $f(x,p)$  – моделнинг конуниятли ташкил этувчиси,  $\varphi(x,p)$  – моделнинг тасодифий ташкил этувчиси.

«Тоғ жинслари массиви» тизимининг математик моделини тузиш усуллари детерминистик ёндашувни ва эвристик ўзаро ташкиллаштириш принципини қўллашни тақазо этади.

Биринчи ҳолатда биз апроксимациялайдиган кўп ўлчамли тенглама коэффицентларини энг кичик квадратлар усули бўйича полиномларни учта синфидан фойдаланиб аниқлаймиз.  $\{x^k\}(K = \overline{0, m})$  функциянинг чизиқли комбинациясини ўз ичига олган  $m$  тартибгача бўлган кўпҳад; гармоник қаторлар; экспоненциал функциялар бўлиши мумкин.

Одатда энг кичик квадратлар принципини қўллаб орттирмалар квадрати суммасини минималлаштириш орқали кўп ўлчамли тенгламалар коэффицентлари аниқланади

$$\Phi(\bar{a}) = \sum_{i=0}^n [p(\bar{x}_i) - f(\bar{x}_i, \bar{a})]^2 \rightarrow \min, \quad (23)$$

ва улар қолдиқ дисперсия  $\sigma_v^2$  дейилади.  $\sigma_v^2$  нинг аниқланган қиймати моделнинг априор белгиланган аниқлиги  $\sigma_a^2$  билан таққосланади

$$F = \frac{\sigma_v^2}{\sigma_a^2}; \sigma_v^2 > \sigma_a^2, \quad (24)$$

$F$  нинг қийматини Фишер тақсимооти квантили  $F_p$  билан таққослаб, модел аниқлиги талабга жавоб бериши ёки бермаслиги баҳоланади. Эвристик ўзаро ташкилийлик принципининг энг муҳимларидан бири бу регуляризация усули. Мазкур усул оптимал мураккабликка эга бўлган моделни танлаш имконини беради. Агарда бошланғич берилган информацияни икки қисмга бўлиб, ўргатувчи (60%) ва назорат қилувчи (40%) ҳамда полином ёки тенглама кўринишидаги моделни ўргатувчи нуқталар кетма-кетлигида курсак, ҳосил бўлган қолдиқ орттирма квадратнинг йиғиндиси қўйидагича ифодаланади

$$\delta_K^2 = \frac{1}{K} \sum_{i=0}^k [P_K(\bar{x}_i) - \hat{f}_K(\bar{x}_i, \bar{a})]^2. \quad (25)$$

Назорат тўпламининг  $K$  нуқтасида ҳисобланган ҳар хил даражали апроксимациялайдиган полином ўсиш тартиби бўйича оптимал даражага мос минимумга эга бўлади.

Регуляризация усули аргументларни гуруҳлаб ҳисобга олиш методи алгоритмларида кенг қўлланилади. Бундан ташқари мазкур процедура ўзаро танлаш ва бўсағавий критериялар асосида гипотезаларни генерализациялаш (моделларни тузиш) ва уларни селекциялаш (танлаш)ни ўз ичига олади.

Шунинг учун ҳам ўзаро ташкиллаштириш принципи негизида кон-геометрик моделлаштириш масалаларини ечишга мўлжалланган аргументларни гуруҳлаб ҳисобга олиш усулининг алгоритмлари қайта ишланиб адаптация қилинди.

Диссертацияда биринчи мартаба геомеханик жараёнларни ифодалайдиган математик моделларни идентификациялаш усуллари етарлича ўрганилмаганлиги эътироф қилинган. Мураккаб реал объектларнинг моделларини баҳолашда идентификациялашни самарали қўллаш муаммоси сақланиб қолинмоқда.

Тадқиқотда тоғ жинслари массивида содир бўладиган геомеханик жараёнларни бошқариш тизимини синтез қилиш алгоритми таклиф қилинган

бўлиб, у қўлланилган ва таклиф этилган моделларни адекват эканлигини регуляр идентификациялаш амалиётидан фойдаланиб бир хил баҳолаш имконини беради.

Диссертациянинг еттинчи боби «Полиметалл рудаларни ер ости усулида қазиб олишда тоғ жинслари массивида содир бўладиган геомеханик жараёнларни прогнозлаш»ни маркшейдерлик мониторинги тадқиқотларнинг якуний босқичига бағишланган.

Замонавий шароитлар тоғ жинслари массиви кўрсаткичларини прогнозлаш методикасига янги талабларни қўяди. У тоғ жинслари массивидаги барча прогнозланадиган кўрсаткичлар орасидаги алоқаларни инобатга олишни ва баҳолашни тақазо этади. Мазкур талаблар доирасида геомеханик жараёнларни прогнозларининг мантиқий кетма-кетлигини белгилаб берувчи алгоритм таклиф этилган.

Прогнозлаш усуллари формаллашган, эвристик ва комплекс бўлиши мумкин.

Формаллашган усулларга экстраполяцион, регрессион усуллар, аргументларни гуруҳлаб ҳисоб олиш усули ва факторли таҳлил ҳамда бошқалар киради.

Прогнозлар қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Прогнозлашнинг аниқлиги агарда максимал муддатдаги хатолик  $\pm 10\%$  дан ошмаса, етарли ҳисобланади.

Диссертацион тадқиқотларда геомеханик жараёнларни прогнозлаш учун биринчи маротаба энг кичик квадратлар ва аргументларни гуруҳлаб ҳисобга олиш усуллари қўлланилган.

Аргументларни гуруҳлаб ҳисобга олиш усули сунъий интеллект ва ўзаро ташкиллаштириш назарияси турларига киради.

Прогнознинг аниқлиги унинг хатолиги билан белгиланади. Хатолик бу тадқиқ қилинаётган кўрсаткичнинг прогнозланган ва ҳақиқий қийматлари орасидаги фарқга тенг.

Амалда прогнозланаётган қиймат аниқ бўлмаган шароитда прогнозлаш аниқлигини баҳолашга тўғри келади.

Прогноз муддатининг узоқлигига боғлиқ бўлган функциянинг қиймати биргаликдаги эвристик ва стохастик хатоликларни топиш учун керак бўлади

$$\mu(l) = \sqrt{1 + \frac{1}{l_0} + \frac{(2l+l_0-1)^2}{l_0^2-1}}, \quad (26)$$

бу ерда  $l$  – прогноз масофаси,  $l_0$  берилган динамик қатор узунлиги. Агарда абсолют хатоликлар устма-уст тушишини ҳисобга олсак, мунтазам ва стохастик хатоликларни инобатга олган ҳолда прогнозланаётган кўрсаткичларнинг баҳосидаги умумий хатолик тенг бўлади

$$\mu_{\text{общ}} = \Delta + \sqrt{l + \frac{l}{l_0} + \frac{(2l+l_0-l)^2}{l_0^2+1}} tm, \quad (27)$$

бу ерда  $\Delta$  прогнозлашнинг абсолют хатолиги  $\Delta = |A_i - P_i|$  кўрсаткичнинг ҳақиқий қиймати  $A_i$  билан прогноздан топилган  $P_i$  қиймати орасидаги айирма;  $m$ -прогнознинг ўрта квадратик хатолиги

$$m = \pm \sqrt{\frac{\sum \Delta^2}{n}}, \quad (28)$$

бу ерда  $n$  – кўрсаткичлар сони,  $t$  – ишончли эҳтимоллик коэффициентини.

Прогнознинг ўхшамаслик коэффициентини прогноз сифатининг ўлчами орқали баҳоланади

$$V = \frac{\sqrt{\sum (P_i - A_i)^2}}{\sqrt{\sum A_i^2}}. \quad (29)$$

Амалиёт масалаларини ечишда прогнознинг қийматлилик кўрсаткичи нафақат унинг ишончилиги балки фойдалилиги ҳамдир.

Диссертацион тадқиқотларда геомеханиканинг тескари масаласини ечишга уриниб кўринган, яъни тайёрлов ва қазиб олиш кон лаҳимларида содир бўладиган тоғ жинсларининг парчаланиб қулаб тушиши параметрларига қараб кон лаҳимлари устиворлигининг геомеханик кўрсаткичларини геометризациялаш негизида баҳолаш масаласи ечилган.

Мазкур статистик усул кон лаҳимларида содир бўлган қулаш параметрлари эҳтимолини таҳлил қилишга асосланган бўлиб, геомеханиканинг ясси масаласини кўллаб, қулаш зонаси ўлчамлари аниқланган. Бунда қулаб тушган зона нафақат локал мустаҳкамлик шароити бузилган ва Кулон-Мор тенгсизлиги билан ифодаланган нуқталар балки массивнинг у жойга яқин бўлган нуқталарини ҳам ўз ичига олади

$$f = \sigma_n \sigma_1 + \sigma_2 (1 + \sin \varphi) (1 - \sin \varphi), \quad (30)$$

бу ерда  $\sigma_n$ ,  $\varphi$  – тоғ жинсининг массивдаги бир ўкли сиқилишга бўлган чекли мустаҳкамлик кўрсаткичи ва ички ишқаланиш бурчаги,  $\sigma_1$  ва  $\sigma_2$  – массивнинг қаралаётган нуқтадаги бош кучланишлари.

Тоғ жинсларининг кон лаҳимларидаги қулашинининг статистик параметрлари қийматларидан фойдаланиб, таклиф этилган усул негизида ҳар хил кон-геологик ва чуқурлик шароитлари учун кон лаҳимларини мустаҳкамлаш параметрлари таклиф қилинган.

